

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,  
FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI**

**DENOV TADBIRKORLIK VA  
PEDAGOGIKA INSTITUTI  
TARIX VA FALSAFA KAFEDRASI**

**MAMLAKATIMIZDA UCHINCHI RENESSANS  
G'ÖYASINI KENG TARG'IB QILISHDA  
IJTIMOIY – GUMANITAR  
FANLARNING AHAMIYATI VA O'RNI**

**MAVZUSIDA RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
ONLAYN KONFERENSIYA MATERİALLARI**

**2023-YIL 19-SENTYABR**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSYIALAR VAZIRLIGI**  
**DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI**  
**TARIX VA FALSAFA KAFEDRASI**

**MAMLAKATIMIZDA UCHINCHI RENESSANS G'OYASINI KENG  
TARG'IB QILISHDA IJTIMOIY – GUMANITAR FANLARNING  
AHAMIYATI VA O'RNI**

**MAVZUSIDA RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN  
KONFERENSIYA**  
**MATERIALLARI**  
**2023-YIL 19-SENTYABR**

**19 СЕНТЯБРЬ 2023 ГОДА РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН -КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ:  
ЗНАЧЕНИЕ И МЕСТО ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В  
ШИРОКОМ ПРОДВИЖЕНИИ ИДЕИ ТРЕТЬЕГО ВОЗРОЖДЕНИЯ В  
НАШЕЙ СТРАНЕ**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE  
NAMED AFTER "THE SIGNIFICANCE AND ROLE OF THE SOCIAL  
SCIENCES AND THE HUMANITIES IN THE CHARACTERISTIC  
PROMOTION OF THE IDEA OF THE THIRD RENAISSANCE IN OUR  
COUNTRY" ON SEPTEMBER**

**19, 2023**

**DENOV – 2023**

3. Ота-Мирзаев О.Б., Ганиева М.Х., Латипова Н. ва б.ш. Оила маънавияти. – Тошкент, 2007.
4. Рыжова С.В. Этническая и гражданская идентичность в контексте межэтнической толерантности. Дисс-я на соис. уч.степ. канд.социол.наук. – Москва, Институт Социологии РАН, 2008. – 225.

## МИЛЛАТ, МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТДА ОПТИМИЗМ

*Абилов Ўрал Муродович  
ТТА профессори, фалсафа фанлари доктори*

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий хусусиятлар ривожланиб бориши билан бир вақтда рўй берётган ҳаёт тарзининг барча соҳаларидағи интеграция тамойиллари миллатлараро муносабатлар моделларида устуворликка эгадир. Лекин ушбу ҳолатда миллий уйғониш, мустақиллик, ўзига хослик жараёнлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу эса фуқаролик, этник бирлик, тил жиҳатдан умумийлик масалаларини жуда долзарб қилиб қўяди.

Аслида миллатлараро хусусиятлар ижтимоий муносабатлар, жамиятдаги одамларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини (иқтисодиётда, сиёsatда, илм-фандада, маиший турмушда) яққолроқ намойиш этади. Лекин бунда инсонлар ҳаётига хатти-харакат, фикрлаш тарзи, услуби ва шаклини бир хиллаштириш зўрлик билан сингдирилган, шахсга сифиниш ва турғунлик йилларининг салбий таъсирини енгиб ўтиш керак. Чунки улар лоқайдлик, иккюззамачилик, жамиятда оптимистик кайфиятларнинг йўқолишига олиб келар эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда миллий муносабатларда ижтимоий сиёsat юритиш усусларини танлашда ҳар қандай миллатга мансуб инсон шахсида умуминсоний, миллий ва индивидуал бетакрор хусусиятлар борлиги эътиборга олинди.

МДҲнинг айрим давлатларида миллий муносабатларнинг ҳозирги ҳолати жаҳон расмий доиралари, кенг халқ оммасини асосли равища ташвишлантирум оқда. Бу эса бир томондан ошкора миллатлараро зиддиятлар бўлмаган барча мустақил республикалардаги руҳий кайфиятга таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, умуминсоний қадриятлар намоён бўладиган ўзига хос миллийлик ёки этнопсихологик хусусиятларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади. Булар жумласига, масалан, ижтимоий оптимизм, доимо ижтимоий ўзгарувчан фаолият субъекти бўлган шахснинг фаоллиги кабилар киради.

Бундай фаолиятни оптималлаштириш шуни тақозо этадики, ҳар бир инсон миллий маҳдудликдан холи бўлсин, руҳий тараққиёт ва ижтимоий фаровонликнинг кенг истиқболларига эга бўлсин, миллатлараро алоқаларда нафақат салбий жиҳатларни, балки ҳамма одамларни бирлаштирувчи умумижтимоий манфаатларни кўра билсин. Айнан шулар ўзига хос миллийликнинг нафақат руҳий дунёда, шахснинг йўналишларида, ҳаёт тарзининг ўзига хослигида мустаҳкамланишини тақозо этади, умуминсоний, миллатлараро хусусиятларнинг ҳам бўлиши лозимлигини кўрсатади. Зоро, миллий суверен давлатчиликнинг мустаҳкамланишини кўп миллатли ташки дунёдан узилиш, деб тушуниш керак эмас. Аксинча, ҳар бир шахснинг умуминсоний қадриятлари билан бойиши, одамлар онгида миллий дунёқарашни сиқиб чиқармайди, балки уларни бир неча бор қучайтиради ва инсонни ҳамда миллатни дунё маданиятига яқинлаштиради. Аммо бу жараёнга миллийлик, халқчиллик ниқоби остида шахсий манфаатлари учун курашаётган кучлар тўсқинлик қилиши мумкин.

Албатта, миллатлараро дўстликни юзаки тушунувчилар ҳам бор. Масалан, оғизда халқлар дўстлигини улуғлаб, бу “дўстлик” учун бирон-бир миллатни (яхудийлар, турклар, арманлар, руслар ва ш.к.) танлайдилар. Табиийки, бундай ёндошув миллатлараро уйғунликка, демак, миллий тараққиёт, миллатлараро тотувликда оптимистик тенденцияларнинг мустаҳкамланишига халал беради.

Узоқ йиллар чор россияси ва советлар россияси ҳукмронлиги шароитида улуғ рус шовинизми одатдаги миллий муносабат даражасига айланди. Бу рус миллатидан бошқа миллат вакилларини камситиш, уларнинг мустақиллигига дахл солиши кўринишида намоён бўлди.

Миллатчиликнинг бугунги қиёфаси ўзгача. Масалан, космополит-миллатчилар пайдо бўлишди. Бир-бирини инкор этувчи бу тушунчаларнинг моҳияти шундан иборатки, оғизда улар миллийликни умуман рад этадилар. Лекин бунинг учун бошқа миллатлар уларнинг миллатини қабул қилиши керак. Ватанпарварлик, миллийлик, миллий мустақиллик тараққиёт йўлидаги ғов сифатида инкор этилади. Бироқ, бу инкорлар “ўзга” миллатларга тадбиқ этилади.

Бу эса, миллатлараро муомала маданиятини шакллантириш, ёш авлодга йўналтирилган тарбия борасидаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этади. Ваҳоланки, айнан ёшларда муайян мақсадга йўналтирилган, қатъий меъёрланган тарзда миллий, миллатлараро ва умумий қадриятларни ўзлаштириш туйғуси кучли. Зоро, улар биргаликдагина миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, республикамиздаги оптимистик шарт-шароитни мустаҳкамлашга қодир. Бундай тарбиявий ишлар шахс сифатида шаклланишида ёшларнинг туб манфаатларига мос, турмушларини оптимистик тарзда йўналтирадиган, турли миллатларга мансуб одамларнинг қадриятлари ва ҳатти-ҳаракатларидан ўrnak олишга қаратилган.

Айни пайтда жаҳонда бир миллат номи билан аталувчи, лекин турфа хил миллат, элат, ҳалқ ва этник гурухлар вакилларидан иборат аҳолига эга бўлган давлатлар жуда кўплаб топилади. Шулар жумласига аҳолиси 130 дан ошиқ миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон ҳам киради. Табиийки, кўп миллатли давлатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш тарзи, тараққиётида ҳам ўзига хослик мавжуд.

Турли хил миллат - қадриятлар ва маданият, миллат ва маънавият - булар уйғун тушунчалардир. Маънавиятсиз ва қадриятсиз миллат бўлмайди. Буни ҳар бир киши ҳис қилиши лозим. Энг муҳими, бу борада Ўзбекистон фуқароларида тўла имкониятлар бор.

Хозирги кунда Республика миллий-маданий марказ атрофида 138 та - арман, яхудий, татар, тоҷик, корейс, озарбайжон, бошқирд, туркман, немис, украин, турк, юнон, болгар каби миллий-маданий марказлар фаолияти мувофиқлаштирилган. Улар мустақилликнинг дастлабки даври, 1992 йил 13 январда ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда иш олиб борадилар ва ўз Низомлари, дастурлари ҳамда иш режаларига эгадирлар. Марказ фаолияти ҳалқ урф-одатлари ва анъаналари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистонда яшовчи ҳалқлар ўртасида тарғиб этишга қаратилган. Шунингдек, бу марказларда ўзбек ҳалқи маданияти, санъати, тили ҳам тарғиб этиладики, бу ҳалқларни яқинлаштиришга, миллатлараро муносабатларни яхшилашга хизмат қиласди. Республика Байналмилал марказ қошида ташкил этилган миллатлараро "Наврӯз" театри ҳам бунга ёрдам беради. Унинг саҳнаси турли театр мактаблари ва йўналишларини образли кўрсатиш имконини беради, миллатлараро муносабатлар маданияти, сиёсий маданиятни юксалтиришга ёрдам беради. Бу эса жамиятда барча миллат вакиллари ўртасидаги ижтимоий оптимизм даражасини ва Ўзбекистон келажагига бўлган ҳар бир фуқаронинг ишончини янада оширади.

Бу борада барча миллатларда, айниқса, туб бўлмаган миллат вакилларида, уларнинг миллатидан, динидан қатъи назар, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтирувчи тарбия усусларидан фойдаланиш фойдали. Масалан, кўп миллатли иш муассасаларида Ватанимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари, имкониятлари ва келажагини акс эттирувчи ҳамда тараннум этувчи тадбирларни ўtkазиш ижобий самара бериши табиий. Энг асосийси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ва амалдаги мавжуд ҳақ-хуқуқлар: ҳар бир миллат кишиси ўзи қилаётган меҳнатининг самараси, баҳтили келажагига ишонч, оиласида ҳукм суроётган хотиржамлик, бўш вақтини турмуш ташвишларидан холи ўtkазиш, маънавий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имкониятларининг мавжудлиги Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширади. Бу ёшлар онгода миллий маънавиятга бўлган янгича ёндашишни, хурмат-эътиборни тарбиялашда ўта муҳимдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлари дик, “Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон - агар у бизнинг Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса - Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойик“ дир. Шу тамойилга амал қилишининг ҳаётий натижасини ҳаётда кўриб турибмиз. Мустақиллик даврида Республика миқёсида Озарбайжон, Грузин, Немис, Рус, Турк, Қозоқ, Тожик, вилоятларда Араб, Қирғиз марказларининг раҳбарлари Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Булар орасида «Ўзбекистон қаҳрамони» олий унвонига эга бўлганлар ҳам бор. Ўзбекистонда барча миллат вакиллари га тенг ҳуқуқли муносабат давлат Қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати Олий ва ўрта таълимда 7 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 9 тилда газеталар ва телекўрсатувлар фаолият кўрсатаётганлигида қўринмоқда.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлар билан бирга, уларга етарли даражада эътибор бермаслик, назардан қочириш, лоқайд бўлиш нималарга олиб келиши мумкинлигини бошқа мамлакатларнинг аччик тажрибасидан яхши биламиз. Шундай экан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш халқимиз онгиде шаклланаётган миллий мафкура ва миллий ғоямизнинг асосий, амалий мақсадларидан биридир.

Бугунги кунда бу иш халқлар дўстлиги шарафига айтиладиган шиорларга эмас, миллатлараро муносабатларнинг ҳақиқатдан ҳам инсонпарвар маданиятини шакллантиришга йўналтирилган кундалик, одатий ишдаги муваффақиятларга таянади.

## ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Норбўтаев Исломбек Мусурмонович  
ДТПИ катта ўқитувчиси  
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори PhD*

Ҳозирги кун ёшларни янгича руҳда тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мустақиллик ғояларини чуқурроқ сингдириш, аждодларимиз яратган диний қадриятлар моҳиятини англаш, уларни айниқса, ёшларга чуқурроқ тушунтириш, миллий истиқлол мафкурасини кенг омма орасида ёйишнинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади.

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг айниқса ёшларнинг юксак идеаллари, хақ ва хақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизими ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида

**M U N D A R I J A**

<b>№</b>	<b>F.I.SH</b>	<b>Ilmiy maqola mavzusi</b>	<b>Betlar</b>
<b>1-SHO‘BA: O‘zbekistonda va xorijda ijtimoiy-gumanitar fanlar sohasida olib borilayotgan zamonaviy ilmiy tadqiqotlar</b>			
1	<b>Насридин Назаров</b>	Марказий Осиёда этнослараро жараёнларни тақомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари	<b>5-9</b>
2	<b>Абилов Ўрал Муродович</b>	Миллат, маданият ва қадриятда оптимизм	<b>9-12</b>
3	<b>Норбўтаев Исломбек Мусурмонович</b>	Ёшлар таълим-тарбиясида диний қадриятларнинг аҳамияти	<b>12-15</b>
4	<b>Саматов Жонмурод Ибрагимович</b>	Учинчи ренессанс – ватанимизнинг миллий ғояси сифатида	<b>15-17</b>
5	<b>Amirqulova Feruza Muzaffar qizi. Musurmonova Ozoda Jasurbek qizi.</b>	Tarixiy antropologiyada oila va nikoh munosabatlari.	<b>18-23</b>
6	<b>Mo’minov Nodirbek Botir o’g’li</b>	Yangi O‘zbekistonda uchinchi renessans g’oyasini targ’ib qilishda tarix fanining o’rnni va ahamiyati	<b>23-26</b>
7	<b>Жўраева Дилфузा Жангировна</b>	Хужжатларнинг шажара сифатида сақланиш тарихи	<b>27-31</b>
8	<b>Мамаражабов Бобир</b>	XX аср биринчи чорагида ўрта осиёдаги эмиграциянинг гарб тарихшунослигида ўрганилиши	<b>31-36</b>
9	<b>Elmuradova Lola Tojaliievna, Davlatova Shahzoda Shuhrat qizi.</b>	Maktabgacha yoshdagи bolalarni STEAM ta’lim texnologiyalari orqali tabiat bilan tanishtirish	<b>36-39</b>
10	<b>Qalandarova Madina Jo’rabek qizi</b>	Mirzo Ulug’Bek va uning ilmiy maktabi	<b>40-43</b>
11	<b>Usmanov Muhriddin Abdimuratovich</b>	Mifologizatsiyaning dunyoqarashni rivojlantiruvchi kuch sifatidagi ahamiyati	<b>43-46</b>
12	<b>Турсунов Анвар Сайпуллаевич</b>	Шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этишда замонавий урбанизация жараёнларининг жамият ривожига таъсири	<b>46-49</b>
13	<b>Bozarov Nuralibek Saidmurod o’g’li,</b>	Arxeologiya sohasida 3d (uch o’lchamli) modellashtirishning ahamiyati	<b>49-53</b>
14	<b>Umida Todjidinova Urinboyevna</b>	Translation process and its types	<b>54-57</b>
	<b>Ermamatova Kamola Ismoil</b>	<b>Milliy manfaat tushunchasi</b>	

